



MILLIY TIKLANISH

43 (364)

2015 йил 4 ноябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ЎзМТДП ходимлари малака оширмоқда

Йўл ҳаракати соҳасида техник воситаларнинг қўлланилиши йўл-транспорт ҳодисаларини аниқлаш ва камайтириш имконини кенгайтиради

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи 9 ой мобайнида 20 га яқин мансабдор шахс ҳисоботини эшитди

Давра суҳбати

Ўзбекистон мустақиллик йилларида

тадбирда халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти, янги ўзбек давлатининг тараққиёт йўли, эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий омиллари ҳақида сўз борди

"Қатағон қурбонлари хотираси" музейида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон тарихчилар жамияти ҳамкорлигида "Тарих — улуг мураббий" лойиҳаси доирасида "Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тарихи" мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, тарихчи олимлар, партия фаоллари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Истиқлол йилларида эришган муваффақиятларимиз шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсон қалбини фахр-ифтихорга тўлдиради, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Қисқа муддат ичида улкан марраларга эришганимиз, энг аввало, халқимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир. Халқимиз ҳамisha бир тану бир жон бўлиб, ҳамжихатликда яшаган, яхши-ёмон кунда елкадош бўлган.

> 2-бет.

Фракция фаолияти



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

2016 йилги Давлат бюджети лойиҳаси

ЎзМТДП мақсад-вазифалари, электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама этилди

Давлат бюджетининг самарадорлиги, соҳалар бўйича тўғри ва оқилона тақсимланиши мамлакат иқтисодий ривож, ҳудудлар тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳар йили Давлат бюджети лойиҳаси ва унинг амалдаги ижроси парламент палаталарида кенг муҳокама этилади, унинг пухта, шиқ ва мукамаллигига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги

йиғилишида 2016 йилги Бюджетнома — солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Соғлом фарзанд — оила қувончи, жамият таянчи
ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши тадбирида асосий эътибор ана шу мавзуга қаратилди



> 3-бет.

Яхши либос — танга оройиш



> 5-бет.

Ижтимоий шериклик

фуқаролик жамияти ривожига муҳим институт

> 6-бет.

Сотиб олинаётган ажал

ёхуд дунёда кашандалик иллатига қарши қандай кураш олиб борилмоқда?



> 7-бет.

Ўкув-машғулот

Партия фаолиятини янги босқичга кўтариш

кадрлар салоҳияти, сиёсий-ҳуқуқий билимдонлиги ва етакчилик қобилиятига боғлиқ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик жараёнлар изчил ривожланиб, фуқаролар онгида демократик қадриятлар янада кенгроқ қарор топмоқда. Бу борада сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ортиб, улар мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёнига муносиб ҳисса қўшишга интилаётир. Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ сиёсий партиялар ўз фаолиятини янада кучайтиришга, ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишнинг замонавий усуллари-ни излаб топишга, дастурий вазифаларини янгича қарашлар билан бойитишга интилаётир. Бу эса партиялараро соғлом рақобат муҳити шаклланишида айна муддао.

> 3-бет.

Интервью

Президентимиз ташаббуси билан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши сиёсий партиялар, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятига янгича маъно-мазмун бағишлади, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширди.

Депутат ташаббускорлиги

аҳоли ва электорат манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатлар сиёсий партияларга ишончини мустаҳкамламоқда

Шу асосда тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, парламентда қонун ва бошқа қарорлар қабул қилиниши, қолаверса, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда сиёсий партиялар, улардан сайланган депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди. Эътиборлиси, бу ваколатлардан унумли фойдаланиш, партия дастурий мақсад-вазифаларини юзага чиқариш, аҳоли ва электорат ишончини оқлаш, энг аввало, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти қай даражада самарали йўлга қўйилгани билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис жойлардаги ЎзМТДП гуруҳлари партия нуфузини юксалтириш, дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда фаол ва ташаббускор бўлишлари лозим.

> 4-бет.



Умрхол ПЎЛАТОВА,
ЎзМТДП Зарбдор туман кенгаши етакчи мутахассиси, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби:

— Хотин-қизлар манфаатини ҳимоялаш, маънан етуқ, жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис, партия сафида фаол ва ташаббускор аёллар кўпаймоқда.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



"Milliy tiklanish" газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

